

# БУЮК АДИБ АЛП ЖАМОЛНИНГ ИЖОДИЙ ЙҮЛИ

Расулмұхамедова Дилфұза Зокировна  
ҰзДЖТУ “Жақон адабиети”  
кафедрасы катта үқитувчиси  
[Rasulmuhamedova@mail.ru](mailto:Rasulmuhamedova@mail.ru)  
+998909511042

Инглиз тили-3 – факультети  
3 курс талабаси Сайд Сайдризаев

**Аннотация:** Уибұ мақола атоқли ўзбек адеби Алп Жамол ижоди ва ҳаёт ийларига бағишланыб, адебнинг сөхрәмаңсул ижоди ва ўзбек адабиётинослиги, дарматургияси, тележурналистикасига құшган улкан хиссасига бағишланған. Маҳоратлы адебнинг машақатлы турмуши ва ўзига хос бўлған ижод йўли таҳлил этилган.

**Калит сўзлар:** “Муширут”, “Қабристон”, “Оталар сўзи – ақилнинг кўзи”, “Тоштешар”, “Сайланма”, “Аросат”, “Кувгин”, “Бевафо якан”, “Тўйдаги тутин”, “Мехрибонлар”, “Ғизгизон”, телевизион минатюралар театри, теленовелла, интермедиа.

Бугун сўз очганимиз, буюклигини кўпчилик сезиб сезмай қолган атоқли ёзувчимиз Алп Жамол – Жамолиддин Асомиддинов (Алп Жамол) 1915 йилнинг 20 август санасида Тошкент шахрининг Чувалачи маҳалласида таваллуд топган бўлиб. Асли Тошкентлик ижодкорлардан эди. Адебнинг отаси Ассоиддин Миразимбой ўғли фарзандларига ўта эътиборли. Талабчан инсон бўлиб, ўз фарзандларини уйда үқитган, илм берган. Мисикн, Хислат, Тавалло каби шоирлар ва ижод ахли билан қадрдан бўлған ота ўз фарзандларини уйда ўзи илм олиши бн мукаммал шуғилланған.<sup>1</sup>

Бу тарбия жарёни адебнинг кейинги ижод йўлини аниқ белгиланған бўлса, тўғри фикр деб тан олиш мумкин. Чунки, адеб ўта зукко, ҳалқ оғзаки ижодини жуда севадиган, форс тилини яхши биладиган, арабча ёзувдаги асарларни ва матни жуда тўғри шарҳлайдиган, таҳлил қиласидан даражага етган. Шунинг учун ҳам Фозил Йўлдош ўғли билан биргаликда Тил ва адабиёт институтининг фольклор шўъбасида фаолият юритади. Шу асосда уни институтга ишга олишган эди. Бу ҳолат у қадар узоқ давом этмади. Давр тақозосига кўра Навоийга бағишлиланған катта анжуманда олимлар “Навоийни динга қарши бўлған, хаттоки динсиз эди” – деган гапларига қарши чиқиб, машҳур тарихчи олим Хондамирнинг асарларидан мисоллар келтириб, Навоий жуда кўплаб масжидлар қурдиргани ва ўша масжидларда ўзи ҳам намоз ўқиганлиги ҳақида маълумотларни айтади<sup>2</sup>. Давр тақазоси – ўша куниёқ адебни ишдан бўшатиб, етмаганига яна қаттиқ таъқиб остига олишади. Шу зайл адеб икки йил ишсиз саргардонликда қолади, ниҳоят оддийгина бозорга паттаци бўлиб ишга киради (чунки ўша вакътларда сиёсий

<sup>1</sup> Алп Жамол ҳакида хотиралар. Т.2000 йил. (Тўплаб нашр этувчи А.Асомиддинов)

<sup>2</sup> Алп Жамол ҳакида хотиралар. Т.2000 йил. (Тўплаб нашр этувчи А.Асомиддинов)

тақибдагилар давлат ишларига умуман қабул қилмаган). Бозорда ишлашига қарамасдан адіб ижодни тұхтатмаган, аксингча жуда күп хажвийлар ёзиб, “Муштум”, “Қизил Ўзбекистон” каби журнал ва газеталарда чоп эттириб юрган. Айнан шу йилларда адіб ҳаётида ўта мудхиш воқеа юз берди. Адібнинг катта фарзанди Алпиддин Жамолиддинов тұсатдан 13 ёшида ҳаётдан фожеали равишда күз юмади. Шу воқеа сабаб Алп Жамол – кейинги асарларига “Алп Жамол” деган таҳаллус билан ижод қила бошлаган.(Фарзанд доғи ота қаддини букиб қўйди, аммо адіб ўғли хотирасини абадийлаштириш учун ҳам кейинги ёзган асарларини Алп Жамол таҳаллуси билан нашр эттирган). Шу воқеа сабаб 1961 йилда Ўзбекистон телерадиокомпаниясига оддий муҳбир бўлиб ишга кирган ёзувчи ўткир ижодни бошганлиги ва шу орқали ўзбек адабиётида янги ижодкор шахсинг вулқондай отилиб чиқганлигини кузатиш мумкин. Шу тариқа ижод аста секинлик билан авжига чиқа бошлади. 1969 йилда Ўзбекистон телевединиясида жуда катта шов-шув бўлган “Қабристон” номли асар машхур режисёр Мираббос Мирзаахмедов тамонидан “Оталар сўзи – ақилнинг кўзи” кўрсатувида намоиш этилди.

Ўша даврларда Ўзбекистон телевединиясида бирор маротаба қабристон мавзусида кўрсатув бўлмаган экан. Табийки, бу асар жуда машхур бўлди, томошабинлардан жуда кўплаб хатлар келган.

Шу зайл бирин кетин адіб асарлари халқимиз орасида машхур бўла бошлади, масалан “Тоштешар” асарида ҳам ўткир ижтимоий ҳаёт мавзуси кўтарилиган ва айтишларига қараганда ўн маротаба муҳокама қилинган экан. Тўғри сўзлик, ҳалолик, самиймиллик, камтарлик, эътиқод масалалари адібнинг асосий қуроли бўлган. Шунинг учун ҳам адіб асарлари-жуда кўп маротаба танқидларга учраган. Бу танқидлар натижаси ўлароқ, асарларнинг бир неча хил вариантлари турад экан. Адіб фарзандлари оталари вафотидан сўнг 1999 йилда Алп Жамол асарларини жамлаб катта “Сайланма” шаклида нашр эттирилар. Чунки, адіб ўта камтар, доимий равишда асарларини чоп этишга имконияти бўлмаган, баъзи асарларининг нусҳалари сақланмай ҳам қолган экан.

Адібнинг қайси асари билан танишмайлик унда самимий меҳр ва оқибат, ҳалолик, ростгўйлик, тарбия, чин дўстлик масалалари улуғланса. Кинояга тўла хажвий асарларида эса, манманлик, дабдабозлик, текинхўрлик, пора, ялқовлик, ёлғон, фахш, динсизлик иллатлари қораланган. Алп Жамол маҳорати шунда эдики, қайси асарни олиб қараманг – инсон ўзига керакли ғояни жуда осон топади.

Алп Жамол кўзга кўринган, эл юрт таниган – жуда кўплаб, интермедијалар, телевизион спектакллар, телевизион новеллар муаллифи ҳисобланади. Ижодкор ўз умри давомида 200 дан ортиқ интермедијалар муаллифи бўлиб, уларнинг 20 дан ортиги қарийиб охирги 40 йил давомида телевизион версияда такроран ўз тамошабинларини хурсанд қилишда давом этмоқда.

Шу ўринда машхур адабиётшунос олим Б.Каримовнинг қуйидаги фикрларини, мен ҳаёти ва ижодини ўрганган адивим Алп Жамолга ҳам

алоқаси бордек ҳис этдим: “Тұғриси, бугун ўзини мунаққид атайдиган ва келгусида шу соха билан машғул бўлишни ўз олдига қатъий мақсад қилиб қўйган ёшларни топиш жуда қийин иш. Нимага? Танқид ҳеч кимга ёқмайди. Иккинчидан, танқидчи дегани бу тинимсиз тошдай сўзбўронлар ёғдириб, найзабардорлик билан ижод аҳлига йўл-йўриқ кўрсатади, ақл ўргатади, дегани эмас. Адабий танқид – жуда мухим ижод. Бунда эстетик дид, таҳлил, баҳо бериш, бадиий асарнинг гўзаллигини кўрсатиш етакчи ўринда туради. Бадиий ва илмий-назарий асарларнинг жиддий мутолааси, мухокамалари, синтез ва анализлари ортидан мунаққиднинг адабий-назарий мезонлари шаклланади. Агар бугун кўпчиликнинг адабий танқидчиликдан кўнгли тўлмаётган экан, демак, шаклланишда нуқсон, кемтик бор. Бадиий ижод аҳли ёзиш билан андармон. Ўқувчи ўқиётган бўлса, нур устига нур. Ёзилган асар зўр, ажойиб, ҳар томондан ибратли. Айнан шуни ўқувчи ўқимаса-чи? “Ўқинглар, азизларим”, деб айтиш ҳам адабий танқиднинг бир вазифаси.”<sup>3</sup>

Атоқли олим фикрига қўра ҳақиқий ижодкор ўз асарини ҳалққа тақдим этар экан у ҳалқ руҳиятига мослай билиши керак – “Руҳ кирланса – бу жуда ёмон”. Руҳи кир одамнинг комил одам бўлиши қийин. Руҳи кир одамнинг кўнгли кир ва ёлғончи бўлади. Бадиий адабиёт ва санъат руҳият билан шуғулланади. Лекин руҳиятнинг аниқ формуласи йўқ. Инсон ўз руҳиятига ўзи аниқ ташхис қўя олмайди кўпинча. Шу боис бадиий адабиётда ҳам инсон руҳиятини тўла-тўқис ифода қилиб бўлмайди. Адабиёт инсон руҳиятининг алифбосидир.

Бугунги кунгача ҳам ўз асарлари билан ҳалқимиз руҳиятига кира олиши мумкин бўлган самимий ижодкор Алп Жамол ана шундай шахслардан бири эди. Собиқ шўролар даври тузмининг таъзиқига учраган ўта ҳалол ва самимий бўлгани учун ҳам жудда катта машаққатлар эвазига бўлса ҳам ўз сўзи ва овози билан ҳалқ қалбидан жой ололган адиблар сирасига кира олди.

Алп Жамолнинг “Тоштешар”, “Аросат”, “Қувғин”, “Бевафо якан”, “Тўйдаги тутин”, “Мехрибонлар”, “Ғизғизон” каби сахна асарлари Тошкент шахри ва вилоят театрларида бир неча маротаба сахналаштирилган.<sup>4</sup> Шу тариқа адиб ўзбек адабиётига, драматургиясига, ҳажвчилигига, тележурналистикасига катта хисса қўшган адиблардан саналади. Шундай бўлишига қарамасдан, ҳозирги кунгача адиб ижоди у қадар тўлиқ ўрганилмаганлиги, асарларининг бадиий поэтикаси, драматурглик маҳорати, асарларида образ яратиш маҳорати масалалари тўлиқ тадқиқот обьектига айлантирилиб таҳлилга тортилиши кераклигини алоҳида таъкидлаш зарур. Зероки, ҳозирги кун адабий жараёнида Алп Жамолдек ўткир маҳорат эгаларининг асарлари ҳали ҳануз ўрганилмаётганилиг, адабиётшунослар эътиборидан чет қолаётгани жуда ачинарли ҳолат саналади. Келгусида Алп Жамол ҳақида илмий тадқиқотлар, кўрсатувлар, хужжатли фильмлар ишланса ҳалқимиз хотирасида ҳақиқий бир ижодкорнинг ёрқин сиймоси яна бир маротаба жонланса ажаб эрмас.

#### Фойдаланилган адабиётлар:

<sup>3</sup> Б.Каримов. Руҳият алифбоси. Т.”F.Фулом нашриёти” 2018 й.

<sup>4</sup> А.Асомиддинов. Отам билан сұхбатларим.Т. “Шарқ” нашриёти 2003.

1. Алп Жамол ҳақида хотиралар.Т.2000 йил. (Түплаб нашр этувчи А.Асомиддинов)
  2. А.Асомиддинов. Отам билан сұхбатларим.Т. “Шарқ” нашриёти 2003.
- Б.Каримов. Рухият алифбоси. Т.”F.Фулом нашриёти” 2018 й